

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ****Гайбуллаев Рахим Муродович***ТДИУ СФ профессори, и.ф.д G-mail: rahimgaibullaev63@gmail.com*

**Аннотация:** Ушбу мақолада иқтисодиётнинг бозор муносабатларига кириб бориши жараёнидаги тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бунинг натижасида турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг кенг тараққиёти улар молиявий фаолиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш мақсадларида такомиллаштиришга қаратилган қонунлар, Республика Президентининг Фармон ва Қарорлари ёритилиб, пировард натижада республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этиши учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилиши билан бирга унга давлат томонидан турли хил ёрдамлар кўрсатиш масалалари муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хўжалик юритиш субъектлари, молия, кредит, қонун, Фармон, мулоқот.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига кириб бориши жараёнидаги турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг кенг тараққиёти улар молиявий фаолиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш мақсадларида такомиллаштиришнинг муҳим, долзарб муаммо эканлигини исботламоқда. Юртимизнинг истиқболи бозор хизмат тармоқларини шакллантириш билан бирга монополияга қарши тадбирларни амалга ошириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш билан узвий боғлиқдирки, тўлиқ бозор муносабатларини шакллантириш юзасидан иқтисодий ислохотлар мазкур вазифаларининг ижобий ҳал этилиши кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг бозор талабларига жавоб берувчи ҳолатидан ҳам келиб чиқади.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг самарали фаолият юритишига ижобий таъсир кўрсатади. Кичик бизнеснинг ривожланиши кўп жиҳатдан давлатнинг мазкур секторни тартибга солиш бўйича олиб борадиган сиёсатига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси, ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этиши учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилиши билан бирга унга давлат томонидан турли хил ёрдамлар кўрсатишдан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма хил бўлса-да, улар бир-бирларидан ушбу жараённи амалга ошириш механизми, усул ва воситалари

жиҳатидан фарқ қилади. Мазкур тажрибани ўрганиш, унинг ижобий томонларидан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали фойдаланиш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишни икки йўналишда кўриб чиқиш мумкин:

- тадбиркорлик, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун умумий шарт-шароитларни барпо этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини хўжалик шароитларига мослашишни таъминлаш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар тақдим этиш.

Бу иккала йўналиш ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи йўналиш барча корхоналар учун иқтисодий эркинликни кафолатловчи, истеъмолчилар манфаатларини ҳимояловчи ва рақобатни рағбатлантирувчи қонунчилик тизимини ўз ичига олади. Умумий шароитларни барпо этишда давлатнинг солиқ ва бюджет сиёсати муҳим рол ўйнайди.

Иккинчи йўналишда давлатнинг кичик бизнесга нисбатан олиб бораётган молия ва кредит сиёсати, давлат бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун муайян улушни таъминлаш механизми, уларга қўмаклашишнинг бошқа турлари асосий ўринга эга.

Дунё амалиётида тадбиркорликни рағбатлантириш жамият ва давлат манфаати учун зарурий меъёр бўлиб ҳисобланади. Чунки, тадбиркорлик давлат ҳокимияти органларининг доимий қўллаб-қувватлаши ва эътиборига муҳтож бўлади. Шу билан бирга, давлатнинг вазифаси кичик ва ўрта бизнес корхоналарига молиявий, техник ва бошқа ресурсларни бериш ва уларни қандай бўлмасин қўллаб-қувватлашгина эмас, балки бозор шароитида уларнинг ўзларини тутиб олишлари ва ривожланишлари учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлади.

Жаҳон тажрибасига кўра, кичик бизнес, хусусан, кичик инновацион бизнесни ривожлантириш нафақат ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлайди, балки мамлакатларда амалга оширилаётган сиёсий дастурларда ҳам ўз аҳамиятини кўрсатади. Кичик бизнесни ривожлантириш жамият таркибида ўрта қатламнинг улушини ортиши, шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Кичик бизнес АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этади. «Халқаро кичик бизнес Кенгаши (ICSB) маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг 90% дан ортиғини, иш билан банд бўлганларнинг 60-70% ни, ялпи ички маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади» [1]. Ушбу корхоналар дунёнинг ривожланган мамлакатлари

иқтисодиётининг асосини ташкил этади, иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда аёллар ва ёш тадбиркорлар ҳамда кам таъминланган аҳоли гуруҳларини ишга жойлаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) мамлакатларида жами фирмаларнинг 99%и кичик ва ўрта корхоналардир ва улар иш ўринлари билан таъминлашнинг (40%дан 80%гача) улкан манбасидир, ҳамда ЯИМнинг 30%-65%ини таъминлайди. Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари 70% иш жойини таъминладилар ва иқтисодий ўсишга улкан ҳисса қўшдилар. БМТ маълумотларига кўра, жаҳон хўжалик тизимида кичик ва ўрта корхоналар меҳнат аҳлининг 50%ини иш билан таъминладилар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жаҳоннинг турли мамлакатларида миллий маҳсулотнинг 33%дан 66%гачасини ташкил этади[2].

Ўзбекистонда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш аҳволига назар ташланса, мамлакатимиз ўз иқтисодий ислоҳатларини олиб бориш жараёнида тобора шунга амин бўлмоқдаки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмай туриб, ишлаб-чиқаришнинг пасайишини олдини олиш ва макроиқтисодий барқарорликка эришиш, хўжалик юритиш тизимида ва унинг тармоқларида иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамликка эришиб бўлмайди. Тадбиркорликни ривожланиши янги иш жойларини яратишга, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга, бюджетни солиқ билан таъминлашда асосий омил бўла олади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистонда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсади бўлиб, тадбиркорлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш, яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, улар фаолиятини юритишларида эркинлик бериш, аниқ ҳуқуқий кафолат билан таъминлаш орқали, Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиб, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ҳамма йўллар очилган, ундан самарали фойдаланиш зарур» [3].

Тадбиркорлик ўз ҳуқуқий кафолати тўғрисидаги давлат кўмагини бозор ислоҳатлари бошланган даврдаёқ яъни 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни билан олди. Сўнгра, Республика Президентининг 1995 йил 5 январдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ва 1995 йил 21 декабрдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида” Қонуни қабул қилинди. 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ва кейинчалик янги таҳрирдаги Қонуннинг

қайта 2012 йил 12 майда қабул қилиниши ҳам бу ишда катта кўмак бўлди. Бозор иқтисодиёти ислоҳатларининг чуқурлашиб бориш шароитида кичик ва хусусий тадбиркорликка оид қонунчиликда ҳам такомиллаштирилган қоидалар киритилиши зарурлигидан келиб чиқиб 2003 йил 11 декабрда “Хусусий корхона туғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иқтисодий ислоҳатларнинг муҳим йуналиши эканлигини билдиради, ҳамда рақобатни ривожлантиришга туртки бериши, иқтисодиётнинг унумсиз жиҳатларини бартараф этиш, мамлакат ҳудудларида истеъмол бозорларини товар ва хизматлар билан тўлдириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, иш билан банд бўлишлик муаммоларини ечишни белгилайди.

Ҳозирги вақтда республикада тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ва уни қўллаб-қувватлашнинг бир бутун давлат-ҳуқуқий бошқарувининг тизими вужудга келди. Мустақил тараққиёт йилларида айна шу мақсадда ўнлаб қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, уларда тадбиркорлик соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий асоси тўлиқ ўз ифодасини топган.

2022- 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” мўлжалланди[4].

Мамлакатда қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган[5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармони қабул қилинган ва бу энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий химоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт- шароитлар яратишга ва хар томонлама қўллаб-қувватлашга, ЯИМда ушбу соҳанинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини хал қилишга асос бўлмоқда[6].

Бу меъёрий ҳужжатлар энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий химоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва хар томонлама қўллаб-қувватлашга, ЯИМда ушбу соҳанинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини хал қилишга асос бўлмоқда.

Гарчи, бу хақда сўз юритилганда, қилинган ишлар, яъни айнан бизнес муҳитнинг яхшиланганини кўрсатувчи мисолларни келтириб Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 22 августдаги ишбилармонлар билан бўлган иккинчи мулоқотида келтириб ўтганидек, “ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Яъни, тадбиркорлар келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда.

Шунингдек, тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етди. Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди”[7].

2025 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти ҳамда уни ташкил қилиш доирасида ўтказилган 20 та учрашувда келиб тушган 15 мингта мурожаатда кўтарилган тизимли муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш ҳамда очиқ мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 20.08.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилинган Фармонига кўра, қуйидагилар белгиланди:

1. 2026–2027 йилларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, зарур молиявий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш учун жами 270 триллион сўм йўналтирилсин, хусусан:

(а) эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм;

(б) драйвер лойиҳалар доирасида – 5 триллион сўм;

(в) танлаб олинган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш дастурлари учун – 6 триллион сўм;

(г) тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес учун – 250 триллион сўм, шу жумладан, тадбиркорлик дастурлари доирасида 30 триллион сўм;

(д) “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан камида 5 мингта тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун – 4 триллион сўмлик молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари.

2. 2026 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш жараёнида уларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш учун харажатлар (солиқ, коммунал тўловлар, транзакцион операциялар ва бошқа ижобий кўрсаткичлар

бўйича маълумотларни), товар айланмаси, экспорт операциялари каби давлат органлари ва хусусий сектор вакилларида шаклланган маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар орқали муқобил скоринг қилиш тизими жорий қилинсин [8].

Зеро, иқтисодиётда тадбиркорлик жараёнларининг кучайиши бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг оқилона ҳал этилишига, тараққиётнинг “ички кучи”нинг пайдо бўлишига, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишга, ривожланишда демократик тамойилларнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

Бироқ, тадбиркорлик фаолиятининг ўзи ўта мураккаб, серқирра жараён бўлиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганмай туриб иқтисодий ислохотларни самарали амалга оширишнинг муҳим натижаларига эришиш мумкин эмас.

Шунингдек, айти пайтда Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш давлат миқёсида стратегик вазифа сифатида белгиланган бўлиб, ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар муваффақияти, жамият барқарорлиги у билан бевосита боғлиқдир.

Бу вазифани ҳал этишда қулай муҳитни барпо этиш, ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва институционал шарт-шароитларни янада такомиллаштириш тақозо этилади ҳамда бу борада назарий-методологик жиҳатдан муҳим йўналишларни белгилашда тадбиркорлик фаолияти устидаги изланишлар ва тадқиқотлар катта рол ўйнайди.

Албатта, бозор иқтисодиётининг қонунлари ўзининг умумий хусусиятлари билан бир қаторда ҳар бир муайян мамлакат ва ҳар бир ҳудуд хусусиятларини эътиборга олган ҳолда намоён бўлади яъни, шу давлат тарихий, демографик, миллий геосиёсий ва бошқа хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Фикримизга кўра, кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам барча давлатлар учун хос бўлган умумий хусусиятлардан ташқари, ўзига хос ҳудудий, демографик, геосиёсий, миллий хусусиятларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Албатта, бунда иқтисодий ўтиш даврида юзага келадиган муаммолар Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Чунки, республикамиз иқтисодиётида тадбиркорликни янада ривожлантириш жараёнида турибди ва давлат кўмагига муҳтождир.

Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш, моддий-техник таъминот, молиялаштириш, инвестиция, солиқ тизими, корхоналарнинг ўз маблағлари етишмовчилиги, банк кредитларини олишдаги қийинчиликлар, рағбатлантириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақобатдошлик муҳитини қарор топиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишда кўпгина ҳал этилмаган муаммолар мавжуддир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Актамова Н.Р. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини баҳолашнинг ҳолати ва таҳлили. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 3, декабрь, 2016 йил. 9 б.
2. Афанасьев В., Крылова Е. //Российский экономический журнал. 1996. № 10. стр.45.
3. <https://www.tergov.uz/uz/news/shavkat-mirziyev-nash-edinstvennyj-put-uvlechivat-chislo-predprinimatelej-realizovat-delovoj-potentsial-ljudej>
- 4.. <https://lex.uz/docs/5841063>
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. -Т.: 2016 йил 29 декабрь, №ЎРҚ-418.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. -Т.: 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ишбилармонлар билан мулоқотдаги сўзлаган нутқи.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.08.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.